

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1054-ҳадис

1054 - وَعَنْ أَيِّ سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا سَعَيْتُمُ النِّدَاءَ، فَقُولُوا كَمَا يَقُولُ الْمُؤْدِنُ». مُتَّفَقُ عَلَيْهِ [خ 611، م 383].

1054. Абу Сайд Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аzonни эшитганингларда муazzин нима деса, ўшани айтинглар», дедилар.

Муттафакун алайҳ.

Шарҳ: Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Бирорта (эшитганингиз) муazzин «Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар» деганда «Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар» деса; «Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар» деганда, «Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар» деса; «Ашҳаду аллаа илааҳа иллаллоҳ» деганда «Ашҳаду аллаа илааҳа иллаллоҳ» деса; «Ашҳаду анна Мұхаммадан Расулуллоҳ» деганда «Ашҳаду анна Мұхаммадан Расулуллоҳ» деса; сўнг «Ҳайя ўлас-солаҳ» деганда «Лаа ҳавла, ва лаа қуввата иллаа биллаҳ» деса; «Ҳайя ўлал фалаҳ» деганда «Лаа ҳавла, валлаа қуввата иллаа биллаҳ» деса; сўнг «Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар» деганда «Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар» деса; «Лаа илааҳа иллаллоҳ» деганда чин дилдан «Лаа илааҳа иллаллоҳ» деса, жаннатга киради». (Ибн Хузайма ривояти).

Билол иқома айтишни бошлаб:

«Қод қоматис Солаҳ» деган эди, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ақомаҳаллоҳу ва адамаҳа», дедилар.

Иқоманинг бошқа (лафзлари)да азонга ўхшатдилар». (Абу Довуд ривоят

қилган).

Демак, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Билол розияллоҳу анҳу иқома айтаётгандарыда азондаги каби лафзларни айтиб турғанлар, фақат Билол розияллоҳу анҳу:

«Қод қоматис солаҳ» «Батахқик, намоз қоим бўлди»ни айтганида, у зот:

«Ақомаҳаллоҳу ва адамаҳа» «Аллоҳ уни қоим қилсин ва давомли қилсин», деганлар.

Ушбу ҳадиси шарифга амал қилиб биз ҳам шундоқ қилмоғимиз керак.

Манба: hadis.islom.uz

